ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ҳ.Қ.ҚАРШИБОЕВ

В статье рассматриваются методологические вопросы организации самостоятельных работ студентов, изложен порядок осуществления и рекомендованы конкретные методы по проведению данного вида учебной работы.

In this article the methodological questions of organization of independent works of the students are examined, the procedure is stated and the concrete methods on realization of the given kind of educational work are recommended.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий талабларидан бири тайёрланаётган мутахассисларнинг чуқур назарий ва амалий билимларга эга бўлиши билан бир қаторда ўз соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, соҳаси бўйича муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, тўғри таҳлил қилиб, шароитга **тез** мослаша оладиган, масалага ижодий ёндашадиган шахслар бўлиб етишишидир.

Иккинчи томондан, ҳар қандай соҳа бўйича ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгай иб бораётган ҳозирги шароитда ҳамма маълумотларни фақат дарс машғулотлари пайтида бериб бўлмайди.

Учинчидан, тажриба шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланганда ва ўз устида ишлагандагина билимни чуқур ўзлаштириши мумкин. Мустақил таълим жараёнидагина талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари шаклланади, ижодий ишга қизиқиш пайдо бўлади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади. Шу сабабли талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва амалга ошириш, бунинг учун барча зарурий имкониятларни яратиш олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, дарс машғулотлари ҳам шундай ташкил қилиниши керакки, талабаларни ўқитиш билан бир қаторда, кўпроқ уларни ўқишга ўргатиш, билим олиш йўлларини кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш масаласи ўқитувчиларнинг диққат марказида турсин.

Талаба **мустақил иши (ТМИ)** - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган, талаба томонидан ўзлаштириш лозим бўлган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми бўлиб, фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ва аудиториядан ташқарида бажариладиган тизимли фаолиятдир.

Талабалар мустақил ишини режалаштириш фан таълим дастури асосида ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Мустақил ишнинг асосий мақсади - талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакани тўлиқ шакллантиришдир [1]. Мустақил иш ўқув фаолиятининг барча кўринишларига киритилади.

Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш, асосан, ўқишнинг бошланғич босқичларида қатор қийинчиликлар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг ўқишнинг янги шаклига, янгича талабларга кўникиши қийин кечади. Улар ўз мустақил фаолиятларини ўзлари мустақил ташкил қилишини деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил

қилиш, энг зарурларини ажратиб олиш ва тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, ўзларининг ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар ҳали мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир профессор-ўқитувчи аввало талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабаларнинг мустақил равишда ўзлаштириладиган билимлари, кўникмалари курсдан курсга мураккаблашиб, кенгайиб, бу ишда талабанинг ташаббускорлиги ва роли ошиб боради.

Талабалар мустақил иши топшириқлари шакли ва ҳажми амалдаги “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига асосан кафедра томонидан ишлаб чиқилади. ТМИ талабанинг ўқув машғулотларида олган билим ва кўникмасини яна чуқурлаштириш, кенгайтириш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлади [3].

ТМИ топшириқлари назарий курснинг айрим мавзуларини мустақил ўрганиш, мустақил уй вазифаларини бажариш, маълум тажрибаларни ўтказиш, ҳисоб-китоб ишлари ёки соҳага тегишли янги маълумотларни тўплаш бўлиши мумкин (1-чизма).

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидагилар эътиборга олиниши талаб қилинади [2]:

- талабалар ўқишининг босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан

1-чизма



ишлай олиш даражаси. Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва хажми, қийинчилик даражаси семестрдан семестрга, талабаларда бу бўйича кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларнибажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб бориши керак бўлади.

Олий таълимда талабалар мустақил ишларининг қуйидаги шаклларидан фойдаланилади:

- фанга оид айрим мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш
- курс иши ва лойиҳаларни бажариш
- битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар тўплаш.
- ҳисоб-китоб ва график ишларини бажариш
- макет, модел ва бадиий асарлар устида ишлаш
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш
- илмий мақола ва тезислар тайёрлаш
- уй вазифаларини бажариш

Фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш сифатида бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади. Топшириқ пухта ўйланган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Топшириқларни бажариш жараёнида аудитория машғулотларида олинган билимлар янада мустаҳкамланади, чуқурлашади, кенгайтирилади ва тўлдирилади.

Мустақил иш топшириқларини шартли равишда ёзма, график, ижодий ва амалий ҳарактердаги топшириқларга ажратиш мумкин (2-чизма).

Талабаларга бериладиган мустақил иш топшириқларини самарали бўлиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим ҳисобланади:

- нима мақсадда берилаётганлиги (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва х.к.), нима учун омил бўлиши асосланиши;

2-чизма



- бажариладиган вазифалар, топшириқларнинг аниқ ва равшан белгиланиши; -талабаларнинг топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан етарли даражада ҳабардор бўлиши; -консультация ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, муаммоли топшириқларни бажариш усуллари бўйича кўрсатма бериш, муаммоли томонларни биргаликда ҳал қилиш ва х.к.); - ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш; - назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий семинар, лаборатория машғулотлари, консультация учун ёки назорат учун махсус ажратилган вақт; маъруза ёки реферат матни, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, уй вазифаси дафтари, курс ишлари, тест, мақола, ностандарт топшириқлар, саволлар, мақола, кўргазмали жиҳозлар ва ижодий ишлар; савол-жавоб, бажарилган иш мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва х.к.). Талаба мустақил ишини амалга оширишнинг методик таъминоти фаннинг ўқув-методик мажмуаси (ЎММ) таркибида берилиши мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча ЎММ таркибидаги “Ривожлантирувчи ва мустақил билимни эгаллашни таъминлаш блоки” қуйидаги қисмлардан иборат бўлиш талаб қилинади:

- мустақил иш топшириқлари ва саволлари;
- мустақил ҳолда билимни эгаллаш ва тегишли топшириқларни бажариш бўйича методик кўрсатмалар; - дидактик материаллар; - электрон таълим ресурслари; - фаннинг сўнгги ютуқлари;
- қўшимча ахборот олиш манбалари рўйхати. Шуни қайд этиш лозимки, таълим беришда талабани нг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш устувор вазифа саналади [4]. Бу жараён талаба мустақил ишларини бажариш орқалигина амалга ошади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ТМИ ни ташкил этишнинг шакл ва усуллари кўпқирралидир. Уларнинг қайси биридан фойдаланишни танлаб олиш фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томондан қўйилган мақсад ва вазифаларга, профессор-ўқитувчиларнинг тажриба ва маҳоратига боғлиқ бўлади. Ахборот технологиялари ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларига жадал суръатлар билан кириб келаётган ҳозирги шароитда талаба мустақил ишларини ташкил этишда илғор технологияларга таянган ҳолда тизимли ёндашиш, унинг босқичларини мувофиқлаштириш ва узлуксизлигини таъминлаш, бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш бу жараённи самарали ташкил қилишга замин яратади ҳамда ижодий фикрловчи, рақобатбардош, олдига қўйган муаммоларни мустақил ҳал қилиш лаёқатига эга бўлган етук мутахассисларни тайёрлашда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

Юкорида тартибда тайеланган УММлар мустакил таьлимнинг самарали ташкил килинишига замин яратад.

АДАБИЁТЛАР:

1. Талабалар мустақил ишлари тўпламини тузиш, унинг бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш бўйича методик тавсиялар.- Гулистон, 2005.-8 б.
2. А.С.Солиев, Х.Қ.Қурбонов. Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар. - Самарқанд, 2005.- 16 б.
3. С.Абдалова. Талабанинг ўқув фаолиятида мустақил ишнинг ўрни ва аҳамияти. // Таълим муаммолари.- 2008.- № 1.- Б. 70-71
4. Ж.Толипова. Ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлашни ривожлантириш йўллари. // Халқ таълими.- 2004.- № 2.- Б. 90-93

Гулистон давлат университети,
2009 йил 27 ноябрда қабул қилинган